

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАЮМОВ АБДУВАҲОБ АБДУРАШИДОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ВА БАДИИЙ
МАҲОРАТ**

(Ўткир Ҳошимов ва Наби Жалолиддин ҳикоялари мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона- 2018

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Қаюмов Абдувахоб Абдурашидович

Ҳозирги ўзбек насрида миллий характер ва бадиий маҳорат (Ўткир Ҳошимов
ва Наби Жалолиддин ҳикоялари мисолида).....3

Қаюмов Абдувахоб Абдурашидович

Художественное мастерство и национальный характер в современной
узбекской прозе (на примере рассказов Уткира Хошимова и Наби
Жалолидина).....25

Qayumov Abdurahob Abdurashidovich

National character and artistic mastery in the modern Uzbek prose (based on
stories by Utkir Hoshimov and Nabi Jaloliddin)47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

**ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Fil.05.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚАЮМОВ АБДУВАҲОБ АБДУРАШИДОВИЧ

**ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК НАСРИДА МИЛЛИЙ ХАРАКТЕР ВА БАДИИЙ
МАҲОРАТ**

(Ўткир Ҳошимов ва Наби Жалолиддин ҳикоялари мисолида)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фарғона- 2018

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.4.PhD/Fil.455 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.fdu.uz) ҳамда “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталига (www.ziynet.uz) жойлаштирилди.

Илмий раҳбар:

Солижонов Йўлдошхўжа
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мирзаева Салима Райимжоновна
филология фанлари доктори, профессор

Умутов Хотам Икромович
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси Фарғона давлат университети ҳузуридаги филология фанлари бўйича илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.fil.05.02 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил “_____” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (0573) 244-44-29; факс: (0573) 244-44-91; e-mail: fardu_info@umail.uz)

Диссертация билан Фарғона давлат университети Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100151, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19, Тел: (0573) 244-44-94).

Диссертация автореферати 2018 йил “_____” _____ куни тарқатилди.
(2018 йил “_____” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Ҳакимов

Илмий даража берувчи
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д.

М.Т.Зокиров

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.н., доцент

А.Ғ.Сабирдинов

Илмий даража берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар
раиси, филол.ф.д., доцент

I. КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги замон жаҳон адабиётшунослигида миллий характернинг бадиий такомилли, бадиий асар моҳиятини очишдаги аҳамияти ва адабиётнинг умуминсоний ҳамда миллий қадриятларни акс эттиришдаги даражасини баҳолаш масаласига кенг эътибор берилмоқда. Бугунги кунда ижодкорларнинг миллий характер яратиш маҳоратини ўрганиш, бадиий асарларда тасвирланган миллий қадриятларни тарғиб қилиш заруратга айланди. Бу заруратнинг ечимига жиддий ёндашиш нафақат илмий, балки ижтимоий, маънавий, маданий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Характер ва унинг моҳияти ҳақида антик давр фалсафий қарашлари негизида масалага оид назарий асослар яратилган. Тўпланган илмий манбаларга таянган ҳолда дунё адабиётшунослигида миллий характер яратиш мавзусида бир қатор изланишлар олиб борилган. Замонавий адабиётшуносликда миллий характер масаласи турли ракурсларда ўрганилган. Жумладан, муайян ёзувчининг турли йилларда яратган асарларидаги миллий характерларнинг тадрижий такомиллини тадқиқ этиш орқали адибнинг ижодий камолоти очиб берилган; турли географик ҳудудларда яшовчи инсонлар характеридаги миллий ўзига хосликлар; миллий характернинг касб нуқтаи назаридан фарқланиши; миллий характер яратиш маҳоратини бир неча ижодкорлар асарлари мисолида қиёсий таҳлил қилиш; миллий характернинг юзага келиш омиллари, унинг ижобий ва салбий жиҳатлари бўйича тадқиқотлар амалга оширилган.

Ўзбек адабиётшунослигида мазкур масалага эътибор қаратиш XX асрнинг дастлабки йилларидан бошланди. Жаҳидлар томонидан миллий характерга урғу бериш муаммо сифатида муҳим аҳамият касб этди. Бироқ мустамлакачилик сиёсати масалага бундай ёндашувни чеклаб қўйди. Натижада 80-йилларгача миллий характер муаммосига сиёсий нуқтаи назардан ёндашиш устунлик қилди. Кейинги даврлардаги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар бу мавзуни соф илмий назарий жиҳатдан ўрганиш имконини берди. Ўзбек адабиётшунослигида миллий характер масаласини тадқиқ этиш бўйича назарий асосларни яратиш, айрим ижодкорлар асарларини қиёсий таҳлил қилиш, қаҳрамонлар характеридаги миллий хусусиятларни танқидий баҳолаш каби турли йўналишлар шаклланди. Мавзу доирасида бир қатор изланишлар амалга оширилган бўлса-да, ўзбек адибларининг миллий характер яратиш маҳорати кенг қамровда тўлақонли очиб берилмаган. Шунингдек, миллий характер такомилли борасида бадиий асар қаҳрамонидаги ўзгаришлар ва ёзувчи индивидуал маҳоратининг ўсиб бориши ҳам тизимли тадқиқ этилмаган. Бугунги глобаллашув даврида мазкур мавзуни кенг ўрганиш ижтимоий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Зеро, “Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажагимизга эътибор”¹ эканлиги халқимизнинг ўзлигини сақлаб қолиш, миллий қадриятларни тарғиб

¹Мирзиёев Ш. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий юксалишининг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи, 2017, 4 август.

қилиш билан чамбарчас боғлиқдир. Адабиётшуносликда миллий ҳарактер яратиш масаласининг кун тартибига чиқиши, аслида, сўнгги йилларда фуқароларнинг руҳияти, онги ва идрокидаги эврилишлар маҳсули саналади. Бу эса тарихимизнинг, миллий қадриятларимизнинг бадиий асарларда акс этган ҳолатини янги бадиий-эстетик тамойиллар асосида қайта кўриб чиқишни талаб этмоқда. Миллат руҳи, халқ ҳаётининг турли қирралари, одамларнинг бугуни ва келажagini акс эттирувчи бадиий жиҳатдан етук асарларни чуқур ва холисона таҳлил қилиш ҳозирги ўзбек адабиётшунослигининг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ва 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари талаблари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли “Олий ўқув юртдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иктисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” деб аталган устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон фалсафасида характер яратиш ва ёзувчи маҳорати бўйича бир қатор фикрлар билдирилган. Хусусан, Платон, Аристотель, Флакк каби файласуфлар томонидан умумий қарашлар илгари сурилган бўлса, Франсуа Ожье, Гегель, В.Г.Белинский, Н.Г.Чернишевский, Л.Н.Гумилев, Л.И.Тимофеев, Б.В.Томашевский, Н.С.Банарли, В.Е.Хализев, Н.Д.Тамарченко, В.С.Тюпа каби файласуф ва адабиётшунос олимларнинг илмий асарларида бадиий характернинг ўзига хос хусусиятларига оид назарий қарашлар илгари сурилган². А.О.Большев,

²Афлотун. Давлат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015; Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. Риторика. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2012; Квинт Гораций Флакк. Пизонларга бағишлов // Қуронон Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008; Франсуа Ожье. Жан де Шеландрнинг “Тир ва Сидон” трагедиясига сўз боши. // Қуронон Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи

Е.С.Пургина, А.А.Родионов, О.А.Иванова³ каби тадқиқотчилар эса миллий характер яратиш маҳорати мавзусида илмий изланишлар олиб борадилар.

Ўзбек адабиётшунослигида Фитрат, Чўлпон, Иззат Султон, Ойбек, Малик Муродов каби ижодкор ва олимлар характер масаласининг назарий асослари яратилишига ўз хиссаларини кўшганлар. Замонамизнинг А.Раҳимов, У.Норматов, Н.Каримов, Б.Назаров, Б.Саримсоқов, Н.В.Владимирова, Й.Солижонов, Д.Тўраев, Ҳ.Каримов, Ҳ.Дўстмухаммедов, Д.Қуроно, Б.Каримов, А.Сабирдинов, Ш.Дониярова, О.Акбаров, Н.Оримбетова, Ш.Исаева, Г.Сатторова, М.Тожибоева, Г.Имомова, Г.Эрназарова, К.Ташанов, М.Жавбўриев, Ю.Шоназаров, И.Дильманов, З.Жуманиёзов, Ш.Иброҳимова, Б.Ботиров, Х.Юсупова, Д.Холдоров⁴ каби олимлари ўз илмий изланишларида мавзуга оид қарашларини баён этганлар.

очерклари. – Тошкент: Фан, 2008; Гегель. Эстетика. Биринчи жилд. Рус тилидан М.Абдуллаев таржимаси. – Фарғона, 2011; Тимофеев Л.И. Проблемы теории литературы. – Москва: Государственное учебно-педагогическое издательство министерства просвещения РСФСР, 1955; Хализев В.Е. Теория литературы. – Москва: Высшая школа, 1999; Тамарченко Н.Д., Тюпа В.И., Бройтман С.Н. Теория литературы. 2 тома. 1 том. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. – Москва: Академия, 2004; Nihat Sami Banarlı. Resimli Türk edebiyati tarihi. – Istanbul: Milli Eğitim Basımı, 1987, 1-jild;

³www.dissert.com. Большев А.О. Вопросы народного характера в творчестве В.Белова, В.Астафьева, В.Распутина. Автореф. диссерт. на соискание учёной степени к.ф.н. Горький, 1986. 24 стр.; Пургина Е.С. Концепция английского национального характера в романах Э.М.Форстера. Автореф. диссерт. на соискание учёной степени к.ф.н.Екатеринбург, 2008; Родионов А.А. Национальный характер китайцев в творчестве Лао Шэ. Автореф. диссерт. на соискание учёной степени к.ф.н. Санкт-Петербург, 2001; Иванова О.А. Черты национального характера в образе главного героя романа Э.Ажара «Вся жизнь вперёд». Чита. 2006.

⁴ Фитрат. Сайланма. – Тошкент: Маънавият, 2006; Чўлпон. Сайланма. 4 жидли. 1-жилд. – Тошкент: Академнашр. 2016; Иззат Султон. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980; Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. 19 томлик. 14-том. – Тошкент: Фан, 1974; Муродов М. Ўзбек “Тўрўғли” дostonларида характер яратишдаги бадий приёмлар хақида баъзи мулоҳазалар. // Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари, 4-китоб. – Тошкент: Фан, 1948; Раҳимов А. Миллий адабиётлар равнақи. – Тошкент: Фан, 1981; Норматов У. Ижодкорнинг ҳароратли сўзи. – Тошкент: Tugon zamin ziyo, 2015; Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: ТАИ, 2006; Назаров Б. Ҳаётчилик – безавол мезон. Тошкент: Ёш гвардия, 1985; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадий нутқ поэтикаси. Филол. фанл. док. дисс. Тошкент, 2002; Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009; Владимирова Н.В. 60-йиллар ўзбек ҳикоянавислигида услубий изланишлар // Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услубий ранг-баранглиги. Тошкент: Фан, 1983; Дўстмухаммедов Х.Н. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида бадий тафаккурнинг янгиланиши (80-йиллар иккинчи ярми ва 90-йиллар аввалидаги ҳикоялар мисолида). Филол. фанл. док. дисс. Тошкент, 1995; Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. –Toshkent: Fan, 2007; Каримов Б. Абдулла Қодирий: Танқид, таҳлил ва талқин. Тошкент: Фан, 2006; Сабирдинов А.Ф. Ойбекнинг поэтик маҳорати. Филол. фанл. док. дисс. Тошкент, 2007; Дониярова Ш.Х. Истиклол даври романларида миллий руҳ ва қахрамон муаммоси. Филол. фанл. док. дисс.автореф. Тошкент, 2012; Имомова Г. Типик миллий характер яратишда бадий нутқнинг ўрни. Филол. фанл. номз.дисс. Тошкент, 1993; Акбаров О.А. Комил Икромов ижодида тарихийлик ва замонавийлик. Филол. фанл. номз.дисс. – Тошкент, 1997; Орымбетова Н.Б. 80-жйлардағы Қарақалпақ романында қахраманын характери мәселеси. Филол. фанл. номз. дисс. Ноқис, 2001; Исаева Ш.Б. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. Филол. фанл. номз. дисс. Тошкент, 2001; Сатторова Г.Ю. 90-йиллар ҳикоячилигида миллий характер муаммоси. Филол. фанл. номз. дисс. Тошкент, 2002; Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт анъаналари. Филол. фанл. док. дисс. автореф. Тошкент, 2018.70 б; Эрназарова Г. XX аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадий талқини (Чўлпон, Ғ.Ғулом, А.Орипов шеърляти мисолида). Филол. фанл. номз. дисс. автореф. Тошкент, 2001; Ташанов К.Ю. Таржимада миллий характерни қайта тиклаш. Филол. фанл. номз. дисс. Тошкент, 1991; Жавбўриев М.М. Бадий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш. Филол. фанл. номз. дисс. Тошкент, 1991; Шоназаров Ю. 20-30-йиллар ўзбек ва тожик романларида характер яратишнинг баъзи масалалари (қиёсий ва қиёсий-типологик аспектларда) Филол. фанл. номз. дисс. Тошкент, 1992; Дильманов И.О. Қардош тиллардан эпос таржимасида миллий ўзига хосликнинг қайта талқини. Филол. фанл. номз. дисс. Тошкент, 2005; Жуманиёзов З.О. “Равшан” дostonи немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш. Филол. фанл. номз. дисс. Тошкент, 2008; Иброҳимова Ш.Б. Одил Ёқубов

Ўзбек адабиётшунослигида миллий характерга соф адабий муаммо сифатида XX аср охирларида ечим излана бошланган. Хусусан, адабиётшунос А.Рахимовнинг номзодлик диссертациясида миллийлик ва умуминсонийлик масаласи, тадқиқотчи Г.Имомова тадқиқотида бадиий нутқнинг миллий характер яратишдаги аҳамияти, Г.Сатторованинг диссертациясида эса 90-йиллар ўзбек ҳикоячилигидаги миллий характер, Ш.Дониярованинг докторлик ишида ўзбек романларидаги миллий рух масаласи тадқиқ этилган⁵.

Миллий характер тадқиқига бағишланган ўндан ортиқ диссертацион ишларда масалага турли жиҳатлардан ёндашилган. Жумладан, миллий характер халқларнинг турмуш тарзи, қизиқиши, об-ҳавоси, географик ўрни билан боғлиқ ҳолда шаклланувчи хусусиятлар мажмуи; бадиий асарнинг асосий ғоясини ёритувчи воситалардан бири; қаҳрамон ва у орқали жамият тасвирини ишонарли акс эттирувчи бадиий шакл сифатида ҳар бир халқ миллий менталитетидан келиб чиқиб тадқиқ этилган. Уларда миллий характер яратишнинг ранг-баранг усуллари ўрганилган. Бироқ мазкур масалалар психологик воситалар ва тадрижий такомил жиҳатдан Ў.Ҳошимов, Н.Жалолоддин ҳикоялари мисолида алоҳида тадқиқ этилмаган.

Мавзуга объект қилиб олинган Ўткир Ҳошимов ижоди бўйича И.Султонов, Ҳ.Ёқубов, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, С.Мамажонов, Н.Каримов, С.Мирвалиев, Б.Назаров, У.Норматов, А.Расулов⁶, О.Дуйсенбаев⁷ ва яна кўплаб адабиётшунослар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Наби Жалолоддин ижоди ҳақида У.Норматов, Ҳ.Болтабоев, Б.Каримов, Д.Қурононов, Ў.Солижоновлар⁸нинг илмий таҳлиллари, ёзувчининг бадиий маҳоратига оид ижобий фикрлари мавжуд.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот режасининг “Поэтика муаммолари” йўналишида бажарилди.

Тадқиқотнинг мақсади ҳозирги ўзбек насрида миллий характер яратиш муаммоларини, усул ҳамда воситаларини тадқиқ этишдан иборат.

романларидаги миллийликнинг туркча таржималарда акс этиши. Филол. фанл. номз. дисс. автореф. Тошкент, 2010; Ботиров Б.М. Ўзбек миллий характери шаклланишига кадрятлар таъсирининг психологик хусусиятлари. Психол. фанл. номз. дисс. Тошкент, 2011; Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида). Филол. фанл. номз. дисс. автореф. Тошкент, 2011; Холдоров Д.Э. Ҳозирги ўзбек киссаларида бадиий услуб муаммоси. Филол. фанл. док.(PhD) дисс. автореф. Тошкент, 2017.

⁵Рахимов А. Соотношение национального и интернационального в современной узбекской литературе (проблема характера и поэтики). Диссерт. на соискание учёной степени к.ф.н. Москва, 1971. Имомова Г. Типик миллий характер яратишда бадиий нутқнинг ўрни. Филол. фанл. номз. дисс. автореф. Тошкент, 1993. Дониярова Ш.Х. Истиқлол даври романларида миллий рух ва қаҳрамон муаммоси. Филол. фанл. док. дисс. автореф. Тошкент, 2012, Сатторова Г.Ю. 90-йиллар ҳикоячилигида миллий характер муаммоси. Филол. фанл. номз. дисс. Тошкент, 2002.

⁶ Санаб ўтилган адабиётшунослар томонидан Ўткир Ҳошимов ижоди бўйича матбуотда кўплаб мақолалар эълон қилинган. Адиб ижоди бўйича илмий асарлар яратилган.

⁷ Дуйсенбаев О.И. Ўткир Ҳошимов ижодида она образи. Филол. фанл. номз. дисс. автореф. Тошкент, 2011.

⁸У.Норматов, Ҳ.Болтабоев. Бугунги адабиётда эстетик идеал ва қаҳрамон муаммоси. Сухбат // Жаҳон адабиёти. 2012 йил апрель сони; Б.Каримов. Сўзга садоқат. ЎзАС. 2018 йил 8 март, 11-сон; Д.Қурононов. Ижодий жасорат меваси // Шарқ юлдузи. №2. 2015; Солижонов Ў. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2009.

Тадқиқотнинг вазифалари:

миллий характер яратиш маҳорати, унинг тарихий, илмий-назарий асослари тўғрисидаги жаҳон ва ўзбек адабиётшунос олимларининг назарий қарашларини тизимлаштириш;

миллий характернинг адабий асардаги бадиий-эстетик функциясини ўрганиш;

миллий характер яратишда Ўткир Ҳошимов ҳамда Наби Жалолiddин томонидан қўлланган усул ва воситаларни аниқлаш;

ёзувчилар ҳикоялари таҳлили орқали замонавий миллий характернинг шаклланишига ижтимоий-сиёсий жараёнлар, маънавий-ахлоқий қадриятлар, урф-одатлар каби омилларнинг таъсирини ўрганиш;

миллий характерни акс эттирувчи психологик омилларни таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти сифатида Ўткир Ҳошимов ҳамда Наби Жалолiddин ҳикоялари олинган. Шунингдек, миллий характер яратиш маҳорати масаласидаги назарий фикрларни асослаш учун, ўрни келганда, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қаҳҳор, Эркин Аъзам, Улуғбек Ҳамдам каби адиблар асарларига ҳам мурожаат қилинган.

Тадқиқот предметини ҳикоялардаги образ ва персонажлар ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда генетик, қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, психологик таҳлил, тавсифлаш ва таснифлаш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

ижодкорларнинг миллий характер яратишдаги маҳорати бадиий нутқ, пейзаж, портрет, психофизиологик ҳолат, мотив, психологик тасвир, интерьер каби бадиий воситалар ёрдамида асосланган;

миллий характер икки хил усулда, яъни асар воқеалари ривожини билан ҳамоҳанг равишда ва ёзувчининг ижодий камолоти билан боғлиқ бўлган ҳолда тадрижий ўсиб борганлиги исботланган;

асарларда қаламга олинган ижтимоий, сиёсий, маданий жараёнлар таъсирида шаклланган миллий характернинг миллий ғурур, миллий онг, миллий дунёқараш каби белгилари ҳамда худудий, этнографик хусусиятлари мисоллар ёрдамида ишонарли далилланган;

ёзувчи дунёқарашини ҳамда асар қаҳрамонлари миллий характерининг шаклланишида оилавий ҳамжихатлик, бағрикенглик, олижаноблик, ҳамдардлик, меҳнатсеварлик, урф-одат ва анъаналарга содиқлик, ўзаро меҳр-шафқат каби қадриятлар ички омил сифатида ва бошқа халқлар таъсирида янада теранлашган ватанпарварлик, умуминсонийлик, урушга нафрат каби туйғулар ташқи омил сифатида юзага чиқиши асосланган;

ёзувчилар томонидан оилавий муносабатлар, маҳалла муҳити, диний ва дунёвий қарашлар талқини каби анъанавий усуллардан миллий характер яратишда самарали фойдаланилганлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Ўткир Ҳошимов ва Наби Жалолiddин ҳикояларининг бугунги кун

китобхони шуурига миллий фазилатлар, хусусан, ватанпарварлик, меҳмондўстлик, ўзаро ҳурмат, миллий ғурур каби туйғуларни сингдириши, уларнинг дунёқарашини шакллантириши аниқланиб, жамият ахлоқий-маънавий такомилда муҳимлиги асосланган;

ёзувчилар ижодини тадқиқ этиш орқали чиқарилган илмий-назарий хулосалар келгусида ўзбек адабиётшунослиги йўналишида олиб бориладиган тадқиқотлар учун муҳим манба сифатида хизмат қилиши аниқланган;

олий таълим муассасаларидаги бир қатор мавзулар бўйича назарий таҳлилларга материал сифатида фойдаланишда, кенг китобхон оммаси, айниқса, умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш учун хизмат қилиши аниқланган;

миллий характер хусусиятлари меъёр даражасида тасвирланган асарлар халқни, ёшларни маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилишда самарали воситалардан бири эканлиги таҳлилларда асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларни асослашда назарий манбаларга таянилганлиги ҳамда илмий исботини топганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Изланиш хулосалари ўзбек адабиётшунослигида миллий характер яратиш маҳорати ҳақидаги билимларни кенгайтиради. Мазкур масаланинг тараққиёт босқичлари, бадиий маҳорат ва миллий характер яратиш назарияси ҳақидаги қарашлар “Адабиётшунослик назарияси”, “Адабий танқид тарихи”, “Ҳозирги адабий жараён” каби ўқув курсларининг илмий жиҳатдан бойишига хизмат қилади.

Миллий характер яратишда қўлланилган усуллар, бадиий маҳорат, қаҳрамонларнинг индивидуал хусусиятларини кўрсатувчи таҳлиллар филология йўналишлари талабаларига мўлжалланган дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукамаллашувига ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ҳозирги ўзбек насрида миллий характер ва бадиий маҳорат мавзусида олиб борилган мазкур тадқиқот натижалари асосида:

диссертацияда миллий характер талқини орқали илгари сурилган ватанпарварлик, миллий кадриятларга ҳурмат, миллий ғурур, миллий онг каби тушунчаларга оид таҳлиллардан Фарғона вилояти ҳудудий инновация фаолияти ва технологиялар трансфери маркази томонидан 2015-2016 йилларда бажарилган “Адабий-маданий ва маърифий мерос асосида ёш авлодни миллий мафкура руҳида тарбиялашнинг инновацион тамойиллари” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 89-03-1290-сон маълумотномаси). Натижада “Фарғона адиблари” номли илмий рисола тайёрланган ва адиблар ижоди таҳлиliga оид ўринлар илмий-назарий жиҳатдан бойиган;

диссертациядаги миллий кадриятлар талқинига оид ўрганишлар ҳамда ижодкор шахсининг тадрижий такомил борасидаги таҳлиллардан ОТ-Ф1-ЮО рақамли “Имконияти чекланган болалар ижтимоий фаолиятининг бадиий

ижодиёт воситалари асосида назарий ва амалий такомиллашуви” мавзусидаги лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 89-03-1290-сон маълумотномаси). Натижада “Шахс ва кадриятлар диалектикаси” номли монография тайёрланган ва миллий кадриятларнинг бугунги кундаги аҳамияти, ёшлар тарбиясидаги ўрни каби масалалар мисоллар ёрдамида асосли бўлишига эришилган;

миллий тарбия, шахс характери тарбиялаш ва унинг халқимиз тараққиётидаги ҳиссасини очиб беришга оид маълумотлардан “Исҳоқхон тўра Ибрат” номли услубий кўрсатмада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 5 апрелдаги 89-03-1290-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур адабиётнинг илмий, тарбиявий аҳамияти ортган;

бадий асардаги миллий характернинг бугунги китобхон, хусусан, ёшлар тарбиясидаги аҳамияти, бадий асар қаҳрамонларининг миллий кадриятлар тарғиботидаги ўрни каби таҳлиллардан Фарғона вилояти телерадиокомпаниясининг 2018 йил 3 мартда эфирга узатилган китоб мутооласига оид “Зиё сари” номли кўрсатувда, шунингдек, Фарғона радиосининг “Адабий муҳит” радиоэшиттиришлари сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 10 апрелдаги 02-15/1338-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур кўрсатув ва эшиттиришлар асосли илмий фактлар билан бойиган;

тадқиқотда эътибор қаратилган бадий деталларнинг миллий характерни очиб беришдаги аҳамияти таҳлиliga оид маълумотлардан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида сақланаётган тарихий обидаларнинг миллий хусусиятлари, уларнинг халқ ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини изоҳлаш ва тушунтиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 15 апрелдаги 01-11-08-3207-сонли маълумотномаси). Натижада тингловчиларда тарихий экспонатларнинг миллий мазмун-моҳияти бўйича дунёқараш кенгайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 3 та халқаро, 7 та республика конференциясида маъруза кўринишида баён этилган ва апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ҳамда 2 таси хориж журналларида чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, 160 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мазкур тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, мақсад ҳамда вазифалар, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги

кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Миллий характер муаммосининг адабиётшуносликдаги талқинлари”** деб номланган биринчи бобида жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигидаги мавзуга оид маълумотлар таҳлил қилинган. **“Масаланинг тарихий ва назарий асослари”** номли биринчи фаслда ўрганилаётган масала бўйича илк фалсафий фикрлар ва улар асосида жаҳон адабиётшунослигида шаклланган назарий қарашлар тадқиқ этилган.

Аслида характерни илмий ўрганиш қадим замонлардаёқ бошланган. Хусусан, Платон **“Давлат”** номли асарида характер ҳақида шундай фикрни билдирган: **“Дилнинг ғазабнок ибтидоси турли тарзда тасвирланиши мумкин, лекин инсоннинг ҳаддидан ошмайдиган, мулоҳазали ва вазмин феълини акс эттириш осон эмас”**⁹. Бу ерда Платон характернинг асосан турғун шакли ҳақида сўз юритган. Бу эса қахрамонларни маълум сюжет доирасида тасвирланишини тақозо этади. Аристотель эса **“Поэтика”** асарининг XV бобида характерларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари, изчиллиги, ҳаётийлиги ҳақида сўз юритади. Ҳаётийлик масаласи биз ўрганаётган мавзуга оид қарашларнинг вужудга келишига асос бўлганлиги билан аҳамиятлидир. Масаланинг назарий асосланишида Гегель қарашлари ҳам алоҳида ўринга эга. Файласуф характерга **“Санъатнинг ранг-баранг турлари миллий характер касб этади ва шу асосда халқ истеъдодининг табиий негизи билан муайян даражада боғланади”**¹⁰ деб таъриф беради.

Рус олимларининг мавзуга оид тадқиқотларида характернинг бадиий асардаги ўрни, функцияси, юзага чиқиш омиллари тадқиқ этилади. Масалан, Л.И.Тимофеев, В.Е.Хализев фикрлари характернинг моҳиятини очиб беришга қаратилган бўлса, А.О.Большев, Е.С.Пургина, А.А.Родионов, О.А.Иванова каби тадқиқотчиларнинг ишларида миллий характернинг турли қирралари ўрганилган.

Миллий характернинг тарихий илдизи ва илмий методологик талқинини ўрганиш асносида иккита йирик йўналиш борлигига гувоҳ бўлдик. Биринчиси Аристотель бошлаб берган йўл бўлиб, унда **“характер асарнинг маънавий-ахлоқий томонини ифодаловчи унсур сифатида талқин қилинади”**¹¹. Иккинчиси Гегель қарашларига асосланган бўлиб, унда характер тушунчаси остида инсон моҳияти очиб берилади.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли **“Ўзбек адабиётшунослигида миллий характер масаласининг ўрни, аҳамияти ва ўрганилиши”** деб номланган бўлиб, мавзуга доир назарий фикрлар, тадқиқот ишлари ўзбек адабиётшунослиги кесимида ўрганилди.

⁹ Афлотун. Давлат. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015, – Б.431.

¹⁰ Гегель. Эстетика. – Фарғона. 2011.. – Б. 233.

¹¹ Қуронов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафаккури тарихи очерклари. – Тошкент: Фан, 2008. – Б.

Миллий характернинг илк кўринишлари халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизда мавжуд бўлса-да, масалага том маънодаги илмий ёндашув ўтган асрнинг дастлабки йилларидан бошланган. Ўзбек адабиётшунослигида бу мавзу назарий муаммо сифатида ўрганила бошланганлиги, турлича ёндашувларнинг юзага келганлиги, назарий фикрлар ва хулосаларнинг хилма-хиллигини инобатга олган ҳолда миллий характерга оид қарашларни қуйидагича таснифлашни тавсия қилдик:

1. Илк назарий қарашлар.
2. Миллий характер масаласига сиёсий-мафкуравий ёндашув таъсири.
3. Миллий характер муаммосига илмий-назарий жиҳатдан ёндашув.
4. Миллий характер тадқиқида ижтимоий-фалсафий ёндашувнинг ривожланиши.
5. Таржимашуносликда миллий характер масаласининг ўрганилиши.

Илк назарий қарашлар жаҳид адабиёти намояндалари: М.Бехбудий, А.Чўлпон, А.Фитрат, А.Қодирий, А.Саъдийлар томонидан илгари сурилган. Бироқ мазкур масала тарихий-сиёсий сабабларга кўра тўла таҳлил этилмаган. Шу боисдан бу мавзу бўйича олиб борилган илмий изланишларда ҳам бирёқламаликлар юзага келган. Натижада миллий характер масаласига сиёсий-мафкуравий ёндашув пайдо бўлди. Айрим тадқиқотчилар миллий характерни фақат қадимий урф-одат ва анъаналар билангина чеклашга мажбур бўлганлар. Эски урф-одат ва кўникмаларни енгиб ўтишни эса умуминсонийлик деб тушунадилар. О.Тоғаев, Н.Владимироваларнинг ишларида шундай қарашлар мавжуд.

Собиқ тузум даврида миллий характернинг ўрганилишига академик Б.Назаров шундай баҳо беради: “Шўро даврида миллий рух, миллийлик, миллий қиёфа ҳақида кўп ёзилди. Бироқ уларнинг аксари сафсатабозликдан бошқа нарса эмас эди”¹².

Миллий характер муаммосига илмий-назарий жиҳатдан ёндашув ўтган асрнинг 80-йилларидан бошланган. Адабиётшунослардан И.Султон, О.Шарафиддинов, А.Раҳимов, Т.Бобоев, Э.Худойбердиев, Й.Солижонов, Д.Курунов, Н.Жабборовларнинг илмий тадқиқотлари ва дарсликларида, М.Жавбўриев, К.Ташанов, Ю.Шоназаров, Г.Имомова, О.Акбаров, Ш.Исаева, Н.Орымбетова, Г.Сатторова, И.Дильманов, А.Сабирдинов, З.Жуманиёзов, Ш.Иброҳимова, Х.Юсупова, Ш.Дониярова, Д.Холдоровларнинг диссертация ишларида масаланинг туб моҳиятини очиб берадиган таърифлар, қоидалар яратилди. Хусусан, таниқли адабиётшунос Азим Раҳимов ўзининг номзодлик диссертациясида миллийлик ва умуминсонийлик масаласини кенг таҳлил этади. Олим ўзигача қилинган илмий ишлар, чоп этилган мақолалардаги ютуқ ва камчиликларни батафсил ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келади: “Бадиий адабиётда миллий характер масаласи кўпдан бери китобхонлар ва адабиётшуносларнинг диққатини жалб этиб келмоқда. Мазкур масала атрофида жиддий мунозара ва тортишувлар давом этяпти. Бунинг сабабларидан бири шундаки, миллий характер масаласи адабиётшуносликда янги бўлиб, қарийб

¹²Соҳибдил ўйлар. otauli.ucoz.com.

тадқиқ қилинмаган”¹³. Олим ушбу мунозаралар ечимига бағишлаб ўндан ортик илмий мақолалар, 4 та илмий рисола чоп эттирди.

Миллий характер тадқиқида ижтимоий-фалсафий ёндашув Г.Сатторова, Ш.Донияровларнинг ишларида кўзга ташланади. Тадқиқотларда миллий характер яратиш масаласига ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар нуқтаи назаридан эътибор қилинган. Масалан, Г.Сатторованинг “90-йиллар ўзбек ҳикоячилигида миллий характер муаммоси¹⁴” мавзусидаги номзодлик диссертацияси биз тадқиқ этаётган масалага яқинлиги билан аҳамиятлидир. Тадқиқотчи объект сифатида Ғ.Хотам, Х.Дўстмуҳаммад, Н.Эшонқул ҳикояларини танлаган бўлиб, мазкур ижодкорлар асарлари қиёсий таҳлил қилинади. Ишда, асосан, мустақиллик даврида яратилган асарлар ўрганилган ва миллий характер яратишда фалсафий-бадиий талқин, миллий характернинг шарқона асослари, янги шакл ва мазмундаги ҳикояларда умуминсонийлик, эстетик идеал ва миллий характер, характер яратишдаги адабий таъсир, бадиий тенденция масалалари эътиборга олинган. Бизнинг тадқиқотда эса миллий характер шаклланишининг тарихий омиллари ва миллий характер яратишнинг тадрижий такомилли, психологик воситаларнинг ўрни масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Ш.Дониярованинг “Истиклол даври ўзбек романларида миллий рух ва қаҳрамон муаммоси”¹⁵ деб номланган докторлик ишида П.Қодиров, Ў.Ҳошимов, Ш.Холмирзаев, О.Мухтор, Т.Мурод, Х.Дўстмуҳаммад, У.Ҳамдам каби ёзувчилар романларидаги ўзига хосликлар таҳлил этилган. Диссертацияда бошқа тадқиқотларда қузатилмаган усул кўзга ташланади, яъни иккинчи бобнинг дастлабки фаслида асарлар “Миллий колорит ёки миллий руҳни ... шўро даври муҳити акс этган воқеа-ҳодисалар фони орқали ҳам тасвирлаш мумкинми” деган савол доирасида таҳлил қилинади. Масалага бундай ёндашиш қора ранг фонида оқ ранг яққол кўзга ташланиши каби тадқиқ усулини юзага келтиради.

Мазкур мавзу доирасида алоҳида тасниф этилган изланишлар ҳам мавжудки, бу – таржимашуносликда миллий характер масаласининг ўрганилишидир. М.Жавбўриев, К.Ташанов, Ю.Шоназаров, И.Дильманов, З.Жуманиёзов, Ш.Иброҳимова, Х.Юсупова¹⁶ларнинг номзодлик

¹³Рахимов А. Одамда олам ташвиши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1982, – Б.37.

¹⁴ Сатторова Г.Ю. 90-йиллар ҳикоячилигида миллий характер муаммоси. Филол. фанл. номз. дисс. Тошкент, 2002.

¹⁵Дониярова Ш.Х. Истиклол даври романларида миллий рух ва қаҳрамон муаммоси. Филол. фанл. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2012.

¹⁶Жавбўриев М.М. Бадиий таржимада миллий характер ва тарихий давр колоритини қайта яратиш. Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 1991; Ташанов К.Ю. Таржимада миллий характерни қайта тиклаш. Филол. фанл. номз. дисс.– Тошкент, 1991; Шоназаров Ю. 20-30-йиллар ўзбек ва тожик романларида характер яратишнинг баъзи масалалари (қиёсий ва қиёсий-типологик аспектларда) Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 1992; Дильманов И.О. Қардош тиллардан эпос таржимасида миллий ўзига хосликнинг қайта талқини. Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 2005; Жуманиёзов З.О. “Равшан” достони немисча таржимасида миллийликни қайта яратиш. Филол. фанл. номз. дисс. – Тошкент, 2008; Иброҳимова Ш.Б. Одил Ёқубов романларидаги миллийликнинг туркча таржималарда акс этиши. Филол. фанл. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2010. – Б.30; Юсупова Ҳ.Ў. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналарининг инглизча таржималарида миллий колоритнинг ифодаланиши (эртақлар, латифалар мисолида). Филол. фанл. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – Б.38.

диссертациялари бадий асар таржималарида миллий хусусиятлар қайта яратилишига бағишланган. Мазкур илмий ишларда ўзбек адабиёти намуналарининг турк, инглиз, немис тилларига ўгирилган таржималарида миллатимизга хос хусусиятларнинг реал ифода этилиши масаласи ўрганилган. Таржималардаги пейзаж, портрет, бадий нутқ, ҳолат, хатти-ҳаракат, эътиқод, ўхшатиш, номлар, мақол, ибора, сажъ, мотив, руҳий олам каби адабий истилоҳларни қиёсий таҳлил қилиш орқали миллий характер ифодасига эътибор қаратилган. Айниқса, Х.Юсупованинг номзодлик диссертациясида эртақлар ва латифаларнинг инглиз тилига таржимасига оид муаммоларни ўрганиш давомида ўзбек халқига хос жиҳатлар батафсил таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Миллий характернинг шаклланиши ҳамда такомиллашуви”** деб номланган иккинчи бобида ижодкор шахсида миллий характернинг шаклланиши ҳамда ижод намуналаридаги тадрижий такомил ўрганилган. Биринчи фаслда “Миллий характерни шакллантирувчи омиллар” тадқиқ этилган.

Миллий характер тушунчасининг шаклланишида ички ва ташқи омиллар муҳим роль ўйнайди. Ўткир Ҳошимов ва Наби Жалолоддин шахсиятига, улар томонидан миллий характерга эга образлар яратилишига таъсир этган ички омиллар сифатида ижтимоий муҳит, ота-боболар тарбияси, жамоавийлик, эътиқод, урф-одат, турмуш тарзи, миллий тарих қабилар эътироф этилди. Ташқи омиллар сифатида эса уруш, ўқиш, мафкуравий таҳдидлар ва бошқа адабий, маданий, сиёсий жараёнлар кўрсатилди.

Ўткир Ҳошимов ва Наби Жалолоддин шахсида миллий характер ҳақидаги қарашларнинг шаклланишига ички омиллар кучли таъсир кўрсатганлиги сезилади. Уларнинг публицистик мақолалари, эълон қилинган суҳбатлари, таржимаи ҳоли билан танишиб, бунга ишонч ҳосил қилиш мумкин. Масалан, “Кўзим-қароғимсан, Ватан!” номли мақоласида Наби Жалолоддин “Байроқ” ҳикоясини “ўз фарзандларимни кузатиб ёзганман” деган фикрни билдиради. Ёзувчи фарзандларига “имкон топдинг дегунча, миллий урф-одатларимизни бошқаларга кўз-кўз қил. Уларга аралашиб, сингиб кетма, ўз қиёфангни сақла”, – деб айтган ўғитларига, аввало, ўзи ҳам амал қилади. Бир қатор ҳикоя, қисса ва романларида ўзбек халқининг миллий менталитетига хос хусусиятларни сингириб юборади. Масалан, “Дўппи”, “Оғрик”, “Чувалчанг ёққан кеча”, “Юраклар” ҳикояларида миллатимизга хос анъаналар, урф-одатлар кенг ёритилган ва уларнинг кўпини адиб ўз кўзи билан кўрган ёки бошдан кечирган.

Ўткир Ҳошимов томонидан ёзилган “Машаққатли сафар” номли биографик асарида эса жамоавийлик қадриятининг шаклланишига туртки бўлган “оилавий китобхонлик” тасвирига дуч келамиз:

“Оилавий китобхонлик улуғ ҳикмат экан. Бу – китоб тинглаётганларни биргалашиб фикрлаш, биргаликда ҳаяжонга тушишга, иноқлик, инсонийликка ундар экан...”¹⁷

Мазкур манбада зиёли ва элпарвар оила авлоди бўлган, турмушнинг оғир синовларини бошидан ўтказган Атоуллохон Ҳошимов ўз фарзандларини ҳам

¹⁷Ҳошимов Ў. Саккизинчи мўъжиза: Адабий ўйлар. Ҳаёти ва фаолияти -Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. – Б. 12

миллий кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялашга ҳаракат қилганлиги таъкидланади. У ташкил этган оилавий китобхонлик кечаларида фақат ўз оиласи эмас, қўшниларнинг ҳам иштирок этганлиги, ўқилган асарлар биргаликда таҳлил қилинганлиги, биринчидан, маънавий тарбиянинг юксалишига хизмат қилган бўлса, иккинчидан, юқорида таъкидланганидек, оила, маҳалладошлар ўртасида жамоавийликнинг шаклланишига катта туртки бўлган. Соф ўзбекона муҳитда улғайган Ўткир Ҳошимов ҳам “Дехқоннинг бир куни”, “Дехқоннинг бир туни”, “Муҳаббат”, “Урушнинг сўнгги қурбони”, “Янга”, “Умр савдоси”, “Нега...Нега?”, “Ўзбек иши” каби ҳикояларида миллий характерни тарғиб этади ёки миллий характернинг емирилиши қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги тўғрисидаги қарашларини акс эттиради.

Ўткир Ҳошимов ва Наби Жалолоиддинларнинг турмуш тарзи, улар яшаган муҳит, уларни тарбиялаган инсонлар – буларнинг барчаси ижодкорларнинг соф миллий руҳда улғайишига асос бўлган.

Ўткир Ҳошимов ҳамда Наби Жалолоиддинларнинг ижодий камолотида ташқи омил сифатида Иккинчи жаҳон уруши ва Афғон уруши ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўткир Ҳошимов уруш бошланган йили туғилиб (1941) унинг даҳшатли асоратлари билан бирга улғайди. “Икки эшик ораси”, “Тушда кечган умрлар” романлари, “Дунёнинг ишлари” қиссаси, “Урушнинг сўнгги қурбони”, “Ҳотам хасиснинг хазинаси”, “Нега... Нега?” каби ҳикояларида тасвирланган миллий характерни емирган урушлар муаммоси ташқи омил натижаси эканлиги кўринади. Наби Жалолоиддиннинг эса 1981-1983 йилларда Афғонистонда бевосита жангларда иштирок этиши унинг маънавий олами ва руҳиятига катта таъсир кўрсатади. Ижодида Афғон уруши, умуман олганда, барча шаклдаги урушларга нафрат туйғуси сезилиб туради. Жумладан, “Ўлимнинг ранги” қиссаси, “Уруш”, “Сени яхши кўраман, ҳаёт”, “Айрилик” каби ҳикояларида жанггоҳлардаги таҳликали ҳаёт ва унинг асоратлари ҳақида сўз борадики, улар бевосита адибнинг шахсий ҳаётида юз берган воқеалардир.

Бобнинг иккинчи фасли “Характерларнинг тадрижий такомилли” деб номланган бўлиб, мазкур масалани икки хил усулда таҳлил қилиш яхши самара беради:

1) биргина қаҳрамон характерида намоён бўлувчи миллий ўзига хосликлар асарнинг сюжет линияси бўйича босқичма-босқич ривожланиб бориши кузатилади;

2) ижодкорнинг турли йилларда яратган асарларидаги миллий характер яратиш маҳоратини тадрижий тадқиқ этиш ҳам ижобий натижалар беради. Бу усулда характер шаклланишида макон ва замоннинг аҳамияти юқори даражада эканлиги кўринади.

Ўткир Ҳошимовнинг “Янга”¹⁸ номли ҳикоясида янга образининг воқеалар ривожига мос ҳолда босқичма-босқич ўсиб бориши кузатилади. Мазкур образ ўзбек аёлининг ёрқин тимсоли сифатида ёритилган бўлиб, у нафақат янга қиёфасида, балки келин, умр йўлдош, она каби бошқа позицияларда ҳам мукамал миллий характерни ифодаловчи образ бўла олади. Янга образида

¹⁸ Ҳошимов Ў. Турмушнинг тўрт тиргаги / қисса ва ҳикоялар. – Т.: “Meriyus” ХНМЛ, 2015.

миллий характернинг ўсиб бориши икки ўринда яққол тасвирланган. Ёзувчи янганинг нутқида миллий характер белгисини ташувчи морфемик бирликдан моҳирона фойдаланган. Акмал билан суҳбат жараёнида “Узоқ-яқин қариндошларни чақирмоқчийдик” жумласини қўллайди, бу ўринда 3-шахс кўпликдаги шахс-сон қўшимчаси янга характеридаги миллий белгиларнинг юксалганлигини кўрсатади. Янга бундан ўн йиллар олдинги нутқида (“Ойим сизни менга топшириб кетганлар”) 1-шахс номидан гапирди. Юқоридаги нутқда эса 1-шахс ўрнига 3-шахс кўплик шакли ифодаланган. Аслида “чақирмоқчийдик” сўзи ўрнига “чақирмоқчийдим” тарзида қўлланса ҳам хато бўлмас эди. Биламизки, ўзбек тилида “мен” ўрнида “биз”, “-м” ўрнида “-к” шакллари ишлатилса, камтарлик, ўзини таъкидламаслик маънолари ифодаланади. Янга характерида дастлаб мавжуд бўлган айрим “мен”лик вақт ўтиши билан барҳам топиб борган ва ҳақиқий ўзбек онасига айланган. Бу ўзгаришлар “-к” қўшимчаси зиммасига юкланади. Тасвирларда ёзувчи ўзбек тилининг маъно қатламларини чуқур билганлиги ва ўринли қўллаганлигига гувоҳ бўламиз.

Ўткир Ҳошимов ўзбек аёли қандай бўлиши кераклигини янга образи мисолида акс эттирган бўлса, Наби Жалолiddин бола тимсолида ўзбекнинг эр йигитларини қандай тарбиялаш кераклигини уқтиради. Масалан, “Эркаги бор уй” ҳикоясида боланинг миллий характери босқичма-босқич такомиллашиб борганлигини кўриш мумкин. Асар қаҳрамони дастлаб барча ёш болалар сингари умумий тарзда тасвирланади. Маҳаллий муҳит, оиласида содир бўлган воқеалар унда ўзига хос характер белгилари шаклланишига туртки бўлади. Ҳикояда боланинг характери билан сюжет ҳамоҳанг равишда ўсиб, ривожланиб боради. Диссертацияда бу масала батафсил таҳлил қилинган.

Миллий характернинг тадрижий такомилни батафсил ўрганишда иккинчи усул, яъни ижодкорнинг миллий характер яратиш маҳоратини унинг турли йилларда ёзилган асарлари мисолида қиёсий тадқиқ этиш ҳам ижобий натижалар беради. Бу борада Ўткир Ҳошимовнинг ижодий камолотида икки босқич кўзга ташланади. Адибнинг 90-йилларгача яратилган ҳикояларида миллий характер муаммоси етакчи ўринга олиб чиқилмаган. “Дехқоннинг бир куни”, “Урушнинг сўнгги қурбони”, “Янга”, “Умр савдоси” каби асарлар қаҳрамонлари соф миллий характерга эга инсонлар сифатида ёритилса-да, мазкур масалага ижтимоий муаммолардан бири сифатида қаралган. “Дехқоннинг бир туни”, “Нега...Нега?”, “Ўзбек иши” кабиларда эса миллий характернинг емирилиши фожа даражасига кўтарилади. Масалан, “Дехқоннинг бир куни” асари 1967 йилда ёзилган бўлиб, янги оила қурган Алижон ва Муяссарларнинг бир кунлик ҳаёти ёритилади. Уларнинг турмуши ҳеч қандай муаммоларсиз, бахтли ҳаёт тарзида тасвирланган. Тўғри, айрим ўринларда қора “доғ”ларга ишора бордай кўринади, лекин асосий мазмун сифатида обод турмуш тарзи қаламга олинади. Қаҳрамонларда ўз ҳаётдан бироз бўлса-да нолиш ҳисси кузатилмайди. Мазкур ҳикоя яратилгандан 22 йил кейин, 1989 йилда “Дехқоннинг бир туни” асари ёзилган. Бу ҳикоянинг бош қаҳрамонлари ҳам Алижон ва Муяссар бўлиб, асар мазмун ва ғоя жиҳатидан

олдинги ҳикоянинг акси ҳисобланади. Ўтган 22 йил ичида Ўткир Ҳошимов ҳаётнинг аччиқ синовларига кўп гувоҳ бўлади. Шунинг учун “Дехқоннинг бир туни” ҳикоясида аянчли қисмат қаламга олинади. Бу асарда собиқ тузумнинг тугаб бораётганига ишора мавжуд бўлиб, “кўкимтир тоғлар ортида осмон” ёришиб келиши янги давр, янги сиёсатдан дарак сифатида тасвирланган. Ушбу икки ҳикоя ўртасидаги фарқнинг ўзиёқ ёзувчининг маънавий ва ижодий камолотини кўрсатади.

Наби Жалололдин ҳикояларини яратилиш даври бўйича таҳлилга тортиш ҳам масала моҳиятини чуқурроқ очишга ёрдам беради. Ёзувчининг 1990 йилларда яратилган “Эсиз, муҳаббат”, “Юраклар”, “13”, “Ковакдаги истеъдод”, “Кино” каби ҳикояларида қаҳрамонлар характеридаги миллий руҳ масаласига етарли эътибор қаратилмаган. 1990 йиллардан кейин яратилган ҳикояларда қаҳрамонлар соф миллий характерга эга образ сифатида намоён бўлади. Адиб қадим миллий урф-одат, анъаналар асосида халқни қайта тарбиялашни, маънавий қашшоқликка қарши курашни мақсад қилиб олганлиги сезилиб туради. Адабиётшунос И.Ғафуров таъбири билан айтганда, бу даврда ёзувчилар “миллатнинг ўзагига қарадилар. Ўзак соғлом эканлигини кўрдилар. Соғлом ўзакни кудратли ва яшовчан қилиш учун фақат ва фақат тарбия – миллий туйғулар ва миллий онгнинг мақсадга кучли йўналтирилган тарбияси зарурлигини англадилар”¹⁹. Наби Жалололдин ҳикояларида айнан ана шу ўзакдан униб чиққан ўзбек оиласи, ўзбек ота-онаси, ўзбек фарзанди, умуман олганда, ўзбек миллати қандай бўлиши кераклиги тўғрисидаги ғоялар илгари сурилган.

Наби Жалололдиннинг 2000 йиллардан кейин яратилган ҳикояларида воқеалар кескин, характерлар эса янада ёрқин акс этади. Ёзувчининг “Эркаги бор уй”, “Даюс”, “Оғрик”, “Байроқ”, “Тупроқ”, “Вокзал”, “Юрак” ҳикоялари драматизмнинг кучли ифодаланганлиги, идеал қаҳрамонлар характерида кескинлик ортганлиги билан аҳамиятлидир. Бу асарларда миллий ғурур, миллий онг, ватанпарварлик, орият масалалари талқинига алоҳида урғу берилган. “Офтоб исли бола”, “Сени яхши кўраман, ҳаёт”, “Интибоҳ”, “Мустақиллик” каби ҳикояларида эса фалсафийлик бўртиб туради.

Учинчи боб “**Миллий характер ва бадиий асос**” деб номланган бўлиб, миллий характер тасвирида етакчи ўрин тутадиган омиллар ва психологик воситалар таҳлил қилинган.

“Бадиий-эстетик омиллар” деб аталган биринчи фаслда “Ўзбеклар”, “Дехқоннинг бир туни”²⁰, “Офтоб исли бола”, “Оғрик”, “Чувалчанг ёкқан кеча”, “Сени яхши кўраман, ҳаёт”²¹ каби ҳикоялардаги мотивнинг миллий характерни очиб беришдаги ўрни эътиборга олинади.

Ўзбек миллий менталитетида фарзандсизлик фожиа сифатида қабул қилинади. Бу мавзу бадиий адабиётимизнинг турли даврларида кўп бора қаламга олинган. Масалан, “Алпомиш”, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва

¹⁹Ғафуров И. Мангу латофат. – Тошкент: Шарқ, 2008. – Б. 10.

²⁰Ҳошимов Ў. Турмушнинг тўрт тиргаги. Қисса ва ҳикоялар. – Т.: “Мегиус” ХНМЛ, 2015.

